

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

**Урганч давлат университети академик
лицейи**

Ижрочи директори А.Кутлимуратов



2022йил.

**"Урду академик лицейи талабаларини иссиқ овкат билан
таъминлаш " Аутсорсинг хизмати**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАР БЎЙИЧА ТАНЛАШ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлаш номи: "УрДУ академик лицейи талабаларини иссиқ овқат билан таъминлаш "
Аутсорсинг хизмати

Хизматнинг бошланғич нархи (КҚС билан) 417 007 500 (Тўрт юз ўн етти миллион етти
минг беш юз) сўм

Лоиха хужжатларини ишлаб чиқиш муддати - 273 кун.

Муаллифлик назорати олиб бориш – Аутсорсинг хизмати

Буюртмачи: Урганч давлат университети академик лицейи

Молиялаштириш манбаи: Бюджет маблағлар ҳисобидан.

Танлашни ўтказиш шакли:

Танлаш иштирокчиларининг таклифлари тақдим қилинадиган хужжатлар рўйхатида белгиланган тартибда электрон кўринишда тақдим этилади.

Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили:

Хоразм вилояти Урганч ш. Шовот куча, 27 уй,

Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар

- Танлаш иштирокчисининг умумий маълумоти;
- Тажбиркорлик субъекти булиши (Ташкилот гувоҳномаси);
- Банкротлик ва қайта ташкил этиш босқичида бўлмаслиги тугрисида қафолат хати;
- Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан муддати ўтган қарздорлиги бўлмаслиги;
- Молиявий кўрсаткичлари (ўтган йил учун баланс ва молиявий натижалар ҳисоботи);
- Тўғри овқатланишни ташкил этиш юзасидан таомлар тайёрлаш технологияси бўйича етарли малакага эга бўлган малакали мутахассислар мавжудлиги;

Боғланиш учун алоқа маълумотлари ва манзили:

Урганч ш. Шовот куча, 27 уй, 220100

УрДУ Академик лицейи директори - Кутлимуратов Аллаёр, тел: +99890-579-73-41

УрДУ Академик лицейи бош ҳисобчи – Аҳмедов Озод, тел: +99899-776-27-44

Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:

Ушбу эълон махсус ахборот порталида белгиланган муддати тугайдиган сана ва вақтгача.

Таклифни расмийлаштиришга доир талаблар.

Танлаш иштирокчилари ўз таклифларини тасдиқланган ва сканерланган вариантини сайтга жойлаштиришлари керак.

ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ХУЖЖАТЛАРИ

1	Буюртмачи	УрДУ Академик лицейи
2	Аутсорсинг хизмати тури	Талабаларни иссиқ овкат-овкат билан таъминлаш
3	Танлов тури	Очик танлов
4	Танлов хужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзили	https://xarid.uzex.uzmax.uz ахборот полталидан юклаб олишлари мумкин
5	Танлов утказиш манзили, жойи ва муддати	Урганч шаҳар Шовот куча 27 уй, (0362)229-31-72. Танлов тугагандан кейин 5 (беш) иш куни мобайнида булиб утади
6	Буюртмачи томонидан аутсорсер ташкилотига (хужалик юритувчи субъект) куйиладиган талаблар;	<p>1. Аутсорсинг хизматларини ташкил қилиш учун сарфланадиган барча коммунал харажатларни (табiiй газ, электр энергия, ичимлик ва оқава сув) аутсорсер уз маблаглари хисобидан коплаши;</p> <p>2. Буюртмачи томонидан тасдиқланган кундалик таомномаси асосида овкат тайёрлаши;</p> <p>3. Буюртмачи томонидан тегишли буйрук асосида бириктирилган масъул ходимларга кунлик овкатлардан синамалар олиш ва ташкил қилинган аутсорсинг хизмати ҳолатини мунтазам равишда назорат қилишга рухсат бериши;</p> <p>4. Аутсорсер ташкилотда фаолият юритувчи ишчи-ҳодимлар руйхатини такдим қилиши;</p> <p>5. Аутсорсер томонидан вақтинчалик фойдаланиш учун ижарага олинган бино ва иншоотлар, жихозлардан мақсадли ва оқилона фойдаланиши, саклаши, носоз ҳолга келганда узлари хисобидан таъмирлаши;</p> <p>6. Шартнома муддати тугагандан кейин вақтинчалик фойдаланиш учун ижарага олинган бино ва иншоотлар, жихозларни соз ва тулик ҳолда буюртмачига топшириши;</p>
7	Танловда иштирок этишга куйидаги танлов иштирокчиларига рухсат этилади	7. Аутсорсер (иссиқ овкат тайёрлаш) хизмати буйича камида икки йиллик иш тажрибасига эга булиши, етарли иш тажрибасига, Молиявий ахволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий туловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги, қайта ташкил этилиш (булиниш, қушилиш) тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевоёнта ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд булмаган ташкилотлар иштирок этадилар.
8	Танлов таклифларини такдим қилиш муддатлари	8. Офёрталарни такдим этишнинг охириги муддати давлат харидлари порталида белгиланган муддатга қадар
9	Танловда иштирок қилиш учун аутсорсерлар (хужалик юритувчи субъект) томонидан такдим қилинадиган хужжатлар;	<p>1. Тадбиркорлик субъектининг устави таъсисчиси, давлат руйхатидан утказилганлик тугрисидаги гувоҳнома;</p> <p>2. Аутсорсинг хизмати буйича камида уч ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблагларига эга булиши;</p> <p>3. Молиявий ахволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий туловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги;</p> <p>4. Қонун хужжатларига мувофиқ фаолият тури лицензия ёки рухсатнома талаб этадиган фаолият турлари буйича лицензияга ёки рухсатномага эга булиши;</p> <p>5. Иш тажрибаси, тегишли молиявий, моддий-техника ва логистика базаси ҳамда умумий иш фаолияти тугрисида маълумотинома такдим қилиш;</p> <p>6. Аутсорсер томонидан ишлаб чиқилган хафталик тасдиқланган таомнома (Буюртмачи томонидан курсатилган таомлар асосида таомнома тузилади);</p> <p>7. Буюртмачи томонидан курсатилган нархга аутсорсер ташкилот томонидан берган таклифи нархи;</p> <p>8. Давлат муассасаларида аутсорсинг хизматларини (Талабаларни иссиқ овкат билан таъминлаш) курсатганлиги буйича қушимча маълумотинома (қайси муассасаларда, қачон, қандай хизмат тури ва хизмат курсатган муассасадан тавсифнома);</p>

		9. Буюртмачи томонидан аутсорсер ташкилотига (хужалик юритувчи субъект) қўйилган талабларнинг ҳар бир банди бўйича кафолат хати тақдим қилиниши;
10	Танлов таклифларини қабул қилиш вақти ва манзили	Урганч ш Шовот куча 27 уй
11	Танлов таклифларини баҳолаш муддати	5 иш куни

ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ҚИЛИНАДИГАН ХУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

1. Юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
2. Охириги 3 йилдаги иш тажрибаси тўғрисида маълумотнома (шартнома нусхалари ҳам илова қилинади)
3. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома (танлаш эълон қилинган кундан кейин олиними шарт);
4. Малакали мутахассис ходимлар тўғрисида маълумот;
5. Танлаш иштирокчиси томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича кафолат хати;
6. Банкротлик, қайта ташкил этиш ёки тугатиш босқичида эмаслигини тасдиқловчи кафолат хати;
7. Молиявий кўрсаткичлар тўғрисида маълумот (йиллик баланс ва молиявий натижалар ҳисоботи)
8. Нарх ва ишларни бажариш муддати бўйича таклифи (конверт ичида алоҳида муҳрланган конвертда)

ИШТИРОКЧИНИ ЧЕТЛАТИШ ШАРТЛАРИ

- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса;
- Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;
- Банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса;
- Иштирокчи харид қилиш ҳужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;
- иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилнинг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳакни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа кимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;
- иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилиланганлик ҳоллари аниқланса.

1-шакл

Урганч давлат университети
академик лицейи директориغا

КАФОЛАТ ХАТИ

_____ сизга шуни ёзиб маълум қиладики, бизнинг ташкилот томонидан

(ташкилот номи)

"УрДУ академик лицейи талабаларини иссиқ овқат билан таъминлаш " Аутсорсинг хизмати бўйича энг яхши таклифни танлаш жараёнида ва хизмат кўрсатиш даврида ҳеч қандай коррупция кўринишларига йўл қўймасликни қафолатлаймиз.

Танлаш иштирокчиси раҳбари:
Мухр

Имзо

2-шакл

Урганч давлат университети
академик лицейи директорига

КАФОЛАТ ХАТИ

_____ сизга шунини ёзиб маълум қиладики, бизнинг ташкилот томонидан
(ташкилот номи)

"УрДУ академик лицейи талабаларини иссиқ овқат билан таъминлаш " Аутсорсинг хизмати бўйича ўз таклифимизни тақдим қилмоқдамиз ва ушбу даврда банкротлик, қайта ташкил этиш ёки тугатиш босқичида эмаслигимизни қафолатлаймиз.

Танлаш иштирокчиси раҳбари:
Мухр

Имзо

КЕЛИШИЛДИ:

Харид комиссияси раиси:




А. Қутлимуратов

Харид комиссияси аъзолари:



Ш. Шерджанов



Б. Қаримов



О. Аҳмедов



Г. Худайбергано



Ш. Абдуллаев



Х. Матрасулова

Котиб:



Х. Қаримов